

Талабаларни Психологик Тўғаракларга Жалб Этиш Ва Улар Билан Ишлаш Механизмлари

Қаххарова Сайёра Баҳодировна¹, Турдиева Латофат Алмардоновна²

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим тизимида бўлажак педагог-психологлар тайёрлашда фан тўғараклари, илмий тўғаракларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида баён этилган.

Шунингдек, психология илмий тўғараги иш фаолияти, унинг мазмуни, бажариладиган ишлар, вазифалар ва уларни ташкил этиш йўллари оид тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: амалий психология, тўғарак, тўғарак иш режаси, “Ёш психологлар”, психологик семинар, психологик кўникма, психологик хизмат, психологик тренинг, психологик маслаҳат.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиниши ва ўқув-тарбия жараёнини модернизация қилишда асосий эътибор ўқувчи шахсини психологик жиҳатдан ўрганиш, ривожлантириш ҳозирги кун амалий психологиянинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон психологлари ривожланган демократик жамият талаблари асосида бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашда аввало уларнинг психологиясини яхши ўрганиш, психик жараёнлари ва ўқиш мотивларини янада такомиллаштириш орқали жамият ривожига хизмат қиладиган педагогик-психологик ва замонавий билимларга эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Мана шундай мақсадлар асосида олий таълим тизимида бўлажак педагог-психологлар тайёрлашда фан тўғараклари, илмий тўғаракларнинг ўрни беқиёс ва педагогик жараённинг муҳим бир таркибий қисми сифатида аҳамият касб этади.

Психология соҳасида илмий тўғаракларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш психологик марказларда эмас, балки олий ўқув юртлирида бу каби аудиториядан ташқари ишларни режалаштириш фойдадан ҳоли эмас, чунки ушбу илмий тўғаракларда талабаларнинг иштирок этиши, қатнашиши улардаги касбий шаклланиш жараёнидаги хавотирланиш элементларини енгишга ёрдам беради, муайян муаммоларга оид билимларни мукамаллаштиради, илмий тафаккурни ўстиради ва психологик билимлар ҳақидаги тасавурлари анча ортади [1]. Психология илмий тўғарагида олиб бориладиган ишлар бўлғуси педагоглар учун мақсадга мувофиқдир, чунки психологияга доир пухта маълумотга эга бўлиш ўқитувчи касбига тайёргарликнинг муҳим бир қисмидир, яъни педагогик амалиёти ортиб бориши билан уларда касбий маҳорат, педагогик фаолиятни моҳирлик билан бошқариш қобилиятлари намоён бўла боради.

Тўғарак талабаларнинг психологияга оид билимларини кенгайтириб ва ойдинлаштириб, ғоявий савиясини кўтаради, шахс психологиясига оид билимларини мукамаллаштиради, малакавий амалиёт ўташ давомида мактабда психологик-педагогик тадқиқот малакаларини ҳосил қилади. Тўғаракдаги машғулотлар мустақил суратда маълумот олишга ёрдам беради, мушоҳадакорликни ўстиради, омма олдида сўзлаш маҳоратини вужудга келтиради. Тўғаракнинг энг яқин ва жуда кўп меҳнат талаб қиладиган вазифаси талабаларга илмий адабиётни мустақил ўрганишни ва мактабда ёки талабалар жамоасида психологик кузатишлар олиб боришни ўргатишдир. Тўғарак ўқитувчилар (илмий раҳбарлар) билан талабалар ўртасида

¹ Халқаро инновацион университети “Психология ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси

² Халқаро инновацион университети “Психология ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси



энг яқин муносабатларни ўрнатиш воситасидир [2]. Одатда тўғаракнинг дастлабки машғулотида тўғарак раҳбари илмий маърузалар қилади ва тўғарак фаолияти, унинг режаси, талабалар фаолияти ва бажариладиган ишлар ва вазифалар ҳақида батафсил маълумотлар беради.

Тўғарак ўз аъзоларининг юриш-туришига ва ишлашига муайян талаблар қуяди, чунки ҳар бир талабанинг ишларидаги муваффақият жамоага боғлиқ ва аксинча. Тўғаракда олиб борилган барча ишлар кундалик дафтарга қайд қилиб, турилади. Тўғаракдаги иш шакллари ва методлари ҳар хил бўлиши мумкин. Тўғаракнинг иш режасига асосан талабалар устозлари билан ҳамкорликда бир қанча вазифа ва ишларни бажара боради. Жумладан, психологияга доир реферат тузиш, университетда таълим ва тарбия психологияси масалалари юзасида кузатишлар ўтказиш, малакавий амалиётлар даврида тўплаган материалларни тизимга солиш ва умумлаштиради; талабаларнинг илмий конференциясига маърузалар тайёрланади; ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида психологияга доир билимларни тарғибот ва ташвиқот қилишда қатнашилади.

Бугун бўлажак педагог-психолог билиши муҳимки, айнан унинг талабалик ҳаётида “Ёш психологлар” тўғараги муҳим аҳамиятга эга, чунки у тўғаракда фаол иштироки давомида шахсий психологик хусусиятларни яхши англай бошлаб “Педагогик касбига қизиқиш” ҳисси янада ортади ва ўқувчи психологиясини ўрганиш мотиви шаклланади. Тўғарак аъзолари педагогик касбига қизиқиш ва педагогик қобилиятларининг тарбияланиши ва педагогик маҳоратга эришиш йўлларини ўйлаб топади ва бу фаолиятнинг мазмуни ҳақида изланади. Бундан ташқари университетда ўтказиладиган ҳар хил танловлар ва психологик семинар-тренингларда фаол иштирок этиб, талаба ва ўқитувчи шахсининг жонли психологик портретларини чизиб беради, аъло билимли ва қобилиятли талабалар, тиришқоқ ва қайноқ талаба-қизлар, бўшанг, ғайратсиз талабалар, ноёб иқтидор эгаларини тасвиқлаб беришга жуда кизиқади [3].

Тўғаракда ишлаш, албатта, ўз доираси билан чекланиб қолмайди. Тўғарак аъзолари бажарган ишларнинг деярли ҳаммаси педагогик амалиётда (мактабда) ёки талабаларнинг ўзи устида мустақил ишлашида қулланилади. Тўғарак фаолияти бевосита тўғаракдаги устозлар фаолияти орқали бошқарилади, ташкил этилади, балки талабаларнинг шу тўғарак вазифасини англаган ҳолда иштирокчи талабалар томонидан «Психология тўғарагининг ахбороти» мазмундаги деворий газета, психологлар ойнаси, психология янгиликлари тўғрисидаги рефератлар, илмий конференциялардаги докладлар тайёрланади ва тўғарак фаолиятини янада ривожлантириш учун ўз устида ишлашлари талаб этилади. Буларнинг ҳаммаси муайян тенденцияни кўзлаб, тўғарак аъзоларига умумий педагогик ва психологик кўникма ҳамда малакалар беради, бу кўникма ва малакалар эса келажакда болалар билан ишлаш жараёнида бўлгуси педагог-психологлар учун катта тажриба мактаби бўлиб қолади.

Демак, педагог-психологлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларимизда ташкил этилган ушбу илмий тўғаракларнинг мавжудлиги талаба ҳаётида муҳим бир имконият ва унинг келажак фаолиятида ўлкан муваффақиятлар учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар/Список литературы

1. Баротов.Ш.Р. Психологик хизмат. Дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018. – 344 б.
2. Ҳайтов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. Психодиагностика ва амалий психология. –Т, ТДИУ, 2005. 338-бет.
3. Нишанова З.Т., Алимбаева Ш.Т. Психологик хизмат. Дарслик. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014.-423 б.

